

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НОДИРА АҒОҚОВА

**ЖАДИД ЛИРИКАСИДА
МУСАММАТ**

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2005

83,3(54) Ўзбек адабиёти

Жадид шеърятининг жанрий жиҳатдан ранг-барангдир. Жумладан, мусамматлар ҳам унда салмоқли ўрин тутди. Ушбу рисолада ўтган аср бошида яратилган мусамматларнинг ўзига хос хусусиятлари, жанрнинг ички эволюцияси ҳақида сўз боради; мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва мусамманлар мисолида адабиётимиздаги ўтмиш давридаги жанр муаммолари тадқиқ этилади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир:


филология фанлари доктори, профессор Б.САРИМСОҚОВ,

Тақризчилар:

филология фанлари доктори Фанижон ЗИКРИЛЛАЕВ,

филология фанлари номзоди, доцент Файрат МУРОДОВ

10-32139/09



I SB № 5 – 648-03212-9

© Ўзбекистон Республикаси
ФА “Фан” нашриёти.
2005 йил

Кириш

Ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалган жанрлардан бири мусамматдир. Маълумки, мусамматлар учлик банд шаклидан ўнлик банд шаклигача бўлади (мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таснеъ ва муашшар). Аммо, асосан, мухаммас ва мусаддаслар, қисман мусамманлар, алоҳида шоирлар ижодида эса мураббаълар нисбатан кўпроқ.

Мусаммат доирасига кирувчи барча жанрлар мавзунинг кенг талқинига асосланади. Шу боисдан ҳам мусаммат XX аср бошларида майдонга келган жаҳид шеъриятининг асосий жанрларидан бири бўлди. Чунки жаҳид шоирлари адабиётни ташвиқот-тарғибот воситаси деб билдилар; ўз шеърларида ижтимоий ҳаётнинг кенг манзараларини беришга, миллат ҳаётидаги иллатларни кўпроқ кўрсатишга, муайян асар лейтмотивини ташкил этган ғояни такрор-такрор, ҳар томонлама, батафсил бадиий талқин тишга уриндилар. Шубҳасизки, бунда мусаммат жанрлари уларга қўл келди.

Ушбу рисолада жаҳид шоирлари ижодидаги мусамматлар ҳақида баҳс юритдик. Унда ўтган аср бошида яратилган мусамматларни ғоявий-бадиий таҳлил этиш билан бирга, мазкур жанрнинг муайян тарихий-адабий босқичдаги ўзига хослигини, жанрнинг ички эволюциясини илмий тадқиқ этишга уридик.

Муҳтарам ўқувчидан рисола ҳақидаги самимий танқидий фикр-мулоҳазаларни кутиб қоламиз.

Мураббаъ

Жадид шоирлари ижодида ҳам мухаммас ва мусаддаслар кўпроқ, мусамман ва мураббаълар қисман тарқалган. Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» биринчи жузидан ўрин олган 9 шеърнинг 3таси мухаммас, биттаси мусаддас (5таси ғазал)дир; иккинчи жузидаги 29та шеърнинг 7таси мусаддас, 4таси мухаммас, 2таси мусамман, 2таси мураббаъдир. Таваллонинг «Равнақ ул ислом» мажмуасида жамъи 68 шеърнинг 8таси мухаммас, битта мухаммас-марсия, 8таси мусаддас, битта мураббаъдир¹. Камийнинг ЎзФАШИда сақланаётган 5736 рақамли қўлёзма баёздан ўрин олган 83 шеърдан 7таси мухаммасдир². Сидқий-Хондайлиқий ижодида ҳам мусамматлар салмоқли миқдорни ташкил қилади³. «Девони Ниҳоний»да эса 19та мухаммас бор экан⁴.

Мураббаъ гарчанд мусамматлар сирасига кирса-да, ўз ибтидосини халқ оғзаки ижодидан олган. «Девони луғотит турк»даги тўртликлар, фольклор қўшиқлари шундан далолат беради. А. Шчербак ҳам тўртлик қадимги туркий шеърятда энг кўп тарқалган банд шакли эканлигини, унинг асосан аааб қофияланишли тури кўп тарқалганлигини қайд этади⁵. Шу боисдан мураббаълар шеърятда араб-форс таъсири кучли бўлган ўрта асрларда нисбатан камроқ яратилди, адабиётимизда бу таъсир сусая бошлаган, адабиёт халқ ҳаётига, халқ жонли тилига, фольклорга яқинлаша бошлаган кейинги асрларда кенгроқ ёйилди – адабиётимиз тарихида мураббаъни юқори босқичга кўтарган шоир XIX

¹ Тавалло. Равнақ ул-ислом. 1-жуз. – Тошкент: Ғуломий матбааси, 1917.

² Камий К. Дилни обод айлангиз... - Тошкент: Маънавият, 1998. – 140-бет.

³ Қ.: Сидқий-Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 86-104; 106-109; 111-115-бет.

⁴ Қ.: Аҳмедов III. Ҳамаз лирикасининг хусусиятлари: Фил. фанл. ном. ... дисс. – Тошкент, 1992. – 118-бет.

⁵ Шчербак А. Соотношение аллитерации и рифмы в тюркском стихосложении // Народы Азии и Африки. – 1961. - № 2.

асрда Муқимий бўлганлиги ҳам, эҳтимолки, тасодиф эмас⁶. Бизнингча, мураббаъларнинг камруклилиги вазнларда, ўйноқи оҳангларда, соддароқ услубларда яратилиши сабаби ҳам шундадир. Жаҳид шоирлари томонидан яратилган мураббаълар ҳам ана шу хусусиятлари билан мусамматнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Жаҳид мураббаълари, асосан, ишқий мавзуларда яратилди. Бу ишқий мураббаълар бошқа жанрдаги шеърларга нисбатан содда услубдалиги, анъанавий ишқий мотивларнинг устиворлиги билан характерланади. Бу — соғинч, висол илинжи, ёрнинг бебарволиги, зулмкорлиги, бевафолиги, ағёрга илтифотлилиги мотивларидир.

*Эй гунчаи лаб, юзинг лола(и) хумро,
Илюжи йўқ қона бўёнмай асло,
Илқинг би(р)ла оёғингга, ингоро,
Чеккан ҳиолааринг ёдимга тушди⁷, —
Рижазини мусаддаси мухаллаъ*

деб бошланувчи мураббаъда Камий мукамал лирик лавҳа яратади. «...ёдимга тушди» такрор-мираси бахтли муҳаббат лаҳзаларидан дарак беради. Шоир асосан «қоши ё», «парини жамол», «шаҳду шакар гуфтор», «гулгун қабо», «қон йиғламоқ», «гунча лаб», «ўқдек қадинг буқилди», «йўлга кўз ёшдан сув урмоқ» каби анъанавий образлар, ифодалардан фойдаланган бўлса-да, мураббаъ халқона оҳанги ва самимий тасвир усули билан мароқлидир.

Ҳамза ижодида Нисорий Намангоний ғазалига боғланган мураббаъ ҳам учрайди. «Девони Нихоний» ҳақида махсус тадқиқот яратган Ш.Аҳмедов бу усул адабиётга Ҳамза томонидан олиб кирилмаганлигини, Махтумқули адабий меросида Навоий ғазалларига боғланган мураббаълар мавжудлигини алоҳида таъкидлайди⁸. Шундай бўлишига қарамасдан, бу ҳаракатни Ҳамзанинг адабий анъаналарга

⁶ Ўзбек адабиёти тарихи. III китоб. — Т.: Ўқитувчи, 1987. — 95-96-бет.

⁷ Камий К. Дилни обод айлангиз... - 74-бет.

⁸ Аҳмедов Ш. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари: Фил. фанл. номз. ... дисс. — 104-бет.

новаторона муносабати натижаси сифатида баҳолашга ҳақлимиз.

Ш.Аҳмедов, шунингдек, Ҳамза қатор мураббаъларида шаклни ислоҳ қилганлигини, халқ кўшиқлари оҳанги Ҳамза мураббаъларининг асосий хусусиятларидан бири эканлигини таъкидлайди ва «...мураббаъ тартиб бериш қоидасининг ислоҳ қилинганлиги жанрни белгилашга ҳеч қандай соя солма»слигини қайд этган тадқиқотчи «Тўм-лўм Мамажон» халқ кўшиғи оҳангида ёзилган «Йиғла, Туркистон», «Эски Турон» оҳангида ёзилган «Дармон истариз» шеърларини ҳам мураббаъ санайди ва унда нақарот ҳам мавжуд деб ҳисоблайди. Бизнингча, агар шу тахлит шеърларни мусамматнинг тури сифатида қарайдиган бўлсак, нақарот билан кўшиб ҳар бир бандидаги мисралар сони олтита бўладиган шеърларни мусаддас деб ҳисоблаш керак бўлади. Ҳатто бу шеърларнинг қофияланиш тартиби шундан далолат қилади (аааааа ббббаа вввваа...).

Мухаммас

Маълумки, мусаммат турлари ичида мухаммаслар нисбатан кўп яратилади. Асосан икки хил мухаммас — тахмис ва таъби худ мухаммаслар фарқланади. Жаҳид шоирлари ижодида мазкур жанрнинг ҳар икки кўринишини учратиш мумкин. Камий ижодида Фузулий, Хувайдо, Ҳазиний, Муқимий, Роқий, Қотиб, Узлат, Меҳрий ғазалларига; Тавалло ижодида Навоий, Юсуф Сарёмий, Васлий Самарқандий ғазалларига; Ҳамза ижодида Ҳазиний, Авлоний; Сидқий-Хондайлиқий ижодида Навоий, Маираб, Амирий, Муқимий, Фурқат, Хислат, Рашидий, Завқий ғазалларига боғланган мухаммасларни учратиш мумкин. Жаҳид шоирлари томонидан битилган тахмислар асосан ишқий, тасаввуфий, дидактик мавзудаги ғазаллар асосида битилган бўлиб, бу ҳолнинг сабаби ўз-ўзидан тушунарлидир. Аммо бу шоирлар ўз замондошлари шеърларига тахмис боғлаганда айнан миллат, тараққиёт, маърифат билан

боғлиқ ғазалларни танлаганлар. Чунончи, Ҳамзанинг беш томлик ТАТига кирган икки тахмиснинг бири Абдулла Авлоний ғазалига боғланган бўлиб, бу бевосита икки шоир ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни, мағзини танкил қилган ғоялар билан чамбарчас боғлангандир. Ҳамза Авлоний байтларига мос равишда биринчи бандда мавжуд аҳволдан хабар беради, 2-3-4-бандларда бу аҳволнинг сабабларини очади, 5-банд эса даъватдан иборатдир.

Ҳадид тахмисларида уларнинг муаллифлари яшаган замон манзаралари ҳам қаламга олинади.

Замона дастидан Шавкат тушубмен турфа мотамга,

Урар тўғони қайғу қолабимдин мавж оламга,

Ёшунсам ич куюр, сиррим деёлмам ҳеч оламга, -

деб ёзади Сидқий-Хондайлиқий Рашидий ғазалига боғлаган тахмисда. Унинг шоир ва гражданин сифатидаги мотами, қайғуси эса бутун ижоди, амалий фаолияти орқали намоён. Яна бир ўринда эса ўз замондошларига қарата:

Кечурдинг барча умринг яхши еб, яхши кийиниларга,

Ҳама(ни) кейнидан кўнглинг тўлатдинг гулу гашларга,

Ўлум ёдинга келмас ушбу ўтган ёзу қишларга, -

дея таъна қилади (Завқий ғазалига мухаммасдан), халқининг бошқалардан ортда қолганлигидан, маърифатга бепарволигидан озор чекади.

Тасаввуфий мавзуга замонавий тус берип «Мухаммаси Тавалло бар ғазали Мағлавийи Юсуф Сарёмий»да ҳам кўзга ташланади. Тавалло Сарёмийнинг тасаввуф мавзуидаги ғазалига боғлаган тахмисини тўғридан-тўғри «Миллато» мурожаати билан бошлайди. У Сарёмийнинг:

Ким хабарсиз бўлса ўздан нафсу танпарвар бўлиб,

Бу қаро ер остида қолгон балога жонидур, -

мисраларига шундай қўшимча қилади:

Найлаюр миллатга хизмат қилмаса дунё келуб,

Ётубон ғафлат тўшоқида жаҳонга термулуб,

Илму фандин баҳра олмай бир қуни кетгай ўлиб...

Тавалло наздида кимса жонининг ер остида қийналишига сабаб – унинг бу дунёда миллатга хизмат

қилмагани, гафлат тўшагида ётиб, илму фандан баҳра олишга интилмаганлигидир. Тахмиснинг юқоридаги б-бандидан бошлаб яна тўрт бандида талқинлар бевосита замонавий-жадидча тус олади; «миллат», «тараққиёт», «илм», «илм-фан» каби жадид лирикасининг «ўз» сўзлари айнан шу бандларда тез-тез такрорланади; икки банд бевосита «миллата» деган сўз билан бошланади; бир бандда «илм» сўзи Тавалло қаламига мансуб ҳар учала мисрада истифода этилади; тараққиёт йўлидаги, миллат манфаати йўлидаги хизмат тангри розилиги йўлидаги хизмат сифатида талқин этилади:

*Миллата ким қилса хизмат, доимо бил шод ҳақ,
Бас, ғанийлар илтифот этса тайёр имдоди ҳақ,
Нотавон кўзларда қон деб қилмаса фарёди ҳақ,
Ким қаноат ганжида дам урмаса беёд ҳақ,
Факр мулкида муҳаббат кишварини хонидур.*

Шу бандда равийли мужаррад қофия қофияи мувассала билан алмашади (шод-имдоди-фарёди-беёд). қолган бандларда эса замон мавзуси билвосита — тасаввуфий ғоялар ўрамида ифода этилади. Шу тариқа шоир тасаввуфий ғазални ўзига хос тарзда талқин қилади.

Камий эса тўғридан-тўғри Меҳрийнинг замон танқидига бағишланган ғазалига тахмис боғлайди. Ҳожи Муин Меҳрий беш байтли ғазалининг тўрт байти ахборотдан иборат, унда шоир халқнинг тараққиётдан орқада қолганлиги, сафолатга ботганлиги, бошқалар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолганлигидан арз-дод этади. Фақатгина 3-байтнинг биринчи мисрасида бу ҳол-аҳволларнинг сабаби кўрсатилади: «Биз гирифтори жаҳлу нафсу ҳаво...» Камий эса тахмисни тўғридан-тўғри сабабдан бошлади: «Солди беилмлиқ хатоларга,...». Мухаммаснинг кейинги мисраларида бу тезис такрорланади, кенгайтирилади; умуман, Камийда Меҳрий ғазалининг охирги байтидан ўрин олган даъват усули ҳам биринчи банддаёқ қўлланади: «Боролук илм учун Хитоларга». «Илм» сўзи то тўртинчи банднинг биринчи мисрасигача Камий қаламига мансуб ҳар бир мисрада такрорланиб боради;

тахмис яхлит ҳолда илм ҳақидаги шеърга айланади. Камий учликлари Меҳрий байтлари билан уйғунлашиб сабаб-оқибат талқинидан иборат бандлар ҳосил бўла боради.

Таъби худ мухаммасларнинг кўпчилиги жадид лирикаси учун характерли бўлган мавзулардан баҳс этади. Бундай мухаммасларнинг кўпчилиги сарлавҳаланган. Сарлавҳалар муаллиф поэтик мақсадини кўрсатувчи восита сифатида намоён бўлади. Авлоний ўз мухаммасларига «Илм аҳволиндан бир манзара», «Замон аҳволиндан», «Истиқболдан орзуларим» каби сарлавҳалар қўяди. Уларда қўйилган мавзунинг кенг-батафсил талқинини кўрамаиз.

Ҳатто услубида шеърларни сарлавҳалаш усули унча тараққий этмаган Камий ҳам мактаб ҳақидаги мураббаъсини «Мураббаъи дар таърифи мактаб», кўқон мухторияти воқеаларига бағишланган мухаммасини «Афсуснома» деб сарлавҳалайди.

Абдулла Авлонийнинг «Илм аҳволиндан бир манзара» мухаммасида Туркистон халқининг жаҳолат ботқоғига ботганлиги таассуф билан тилга олинади. Шеърда илм тирик мавжудот сифатида идрок қилинади, у тирик одамдай хасталикка йўлиққан:

*Мижози сустланди, дарди кундан-кун зиёд ўлди,
Қизил гул яфроғидек юзлари ислоҳ учун сўлди.
Вужудин ғам паришон айлади, хўб бағри қон ўлди,
Кўзининг косаси дармон учун қон ёш ила тўлди,
Нечун бизларда йўқ бечора илма меҳру шафқатдан⁹.*

Ҳар бир банд мухаммас жанри имкониятлари билан боғлиқ равишда маълум бир фикрнинг ҳар томонлама, динамик талқин этилишига йўл очган. 1-2-бандларда хаста Илмнинг аҳволи, 3-бандда жаҳолатга юз бурган халқ қилмишлари, 4- бандда тарихдан, 5-бандда ҳадисдан тамсил, 6-7-бандларда жаҳолатнинг оқибатлари, 8-9-бандларда халқ ҳаётининг қарама-қарши манзаралари ва 10-бандда

⁹ Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 100-бет.

хулосавий якун. Ҳар бир бандда муайян фикр горизонтал ўсиб боради, 5-мисра ташкилий жиҳатдан ташқари (яъни у ўзидан олдинги тўрт мисра билан эмас, 1-банд билан қофиядош) маъновий жиҳатдан ҳам банднинг ўзига хос якуни, ҳошиясидир. Чунончи 1-2-бандларнинг тўрт мисрасида илмнинг хасталиги ва унинг сябабларидан, 5-мисрада бу ҳодисага атрофидагиларнинг муносабатидан сўз боради; 3-бандда «биз»нинг жаҳолат кўйидаги қилмишлари чизилса, шу банднинг 5-мисрасида конкрет манзаралар мавҳум шаклда умумлаштирилади ва х.к.

«Замон аҳволиндан» мухаммасида 1-4-мисралар ва 5-мисра оппозицияси «янги-эски» тазоди орқали, 2-бандда «биз-бошқа халқлар» тазоди орқали воқеланади ва х. к. Мухаммас бандларининг бундай ташкилланиши Камий ижодига ҳам хос.

Сидқий-Хондайлиқийнинг «Ситамдийда рабо(т)-чиларнинг келиши» мухаммасида саволу жавоб усулидан фойдаланилган. Бу усул Авлонийнинг тўртлик банд (ааба) шаклида ёзилган «Оила мунозараси»да ҳам қўлланган. Тўрт мисралик банднинг бу хил қофияланиш тартиби, маълумки, ўтмиш адабиётида кўнбандли шеърларда учрамайди. Асосан, рубоий, туюқ ва баъзан тўрт мисрали қитъада ишлатилади. Шунинг учун Авлоний шеъри ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мумтоз адабиёт анъаналари руҳида эмас. Сидқий-Хондайлиқий эса соф анъанавий шаклдаги мухаммасда диалог усулидан фойдаланади. Шеър саккиз савол ва саккиз жавоб — жами 80 мисрадан иборат. Унда саволу жавоб усулида мардикорликда кечган уқубатли ҳаёт манзаралари чизиб берилади. Шеър ватандошларнинг уз юртига соғ-омон қайтганларидан шодлик туйғуларини ифодалашдан бошланади. Бу шодлик бутун шеър давомида «Хуш келдингиз» радифи орқали ифода эта борилади. қизиғи шундаки, шоир «денг», «денглар», «демангиз», «денгу» изоҳлари билан бу радифни жавоб рукнида ҳам қўллашга ва шу орқали мухаммас тузилишидаги анъанавийликни сақлаб қолишга эришган. Анъанавий «жигарни кабоб айламоқ»,

«хуни жигар», «бағир қон», «қаднинг дуто бўлиши», «юзи барги хазон» каби асосан ишқий мотивлар ифодаси учун хизмат қиладиган образли ифодалар рабобчиларнинг мусофирликда кечган мапакқатли ҳаёти манзараларини чизишга йўналтирилади.

Шеър ҳажмининг кўламини ёт элда кечган юртдошлар ҳаётининг кенг манзараларини бериш мақсади белгиланган. Ҳатто саволларнинг муайян қисми ҳам мардикорлик ҳаётининг сарсонликларини очишга йўналтирилган:

*Зулм эли сизларни ул ерларда кўп оч этдими?
Ошу нон бермай алар муҳтожи кўмоч этдими?
Ғам таоми бирла ё қурсоқингиз чоч этдими?
Зулм ила олиб либосингиз яланғоч этдими?¹⁰
Ғамали мусаммани маҳзуф*

Ёки:

*Сизлара золимлар ул ерда печук зулм эттилар?
Зулм ила – ош ўрнига – бердимۇ ё хуни жигар?
Ухлатурга қўймайин ишлаттиму шому сахар,
Оч ўлуб, муҳтож ўлуб, қон юттингизлар ё магар?*

«Савол» рукни остидаги охириги банд эса сўроқ эмас, тасдиқ-ахборот мазмунига эга. Бу суҳбатнинг поёнига етганлигидан дарак беради, бу айти пайтда шеърни жонли суҳбатга яқинлаштиришга хизмат қилган. «Ҷавоб» рукнидаги охириги банд ҳам асар персонажларининг нутқидан кўра шоирнинг-муаллифнинг хулосасига ўхшаб кетади. Бу охириги мисраларнинг «Ҷавоб» рукнидаги бошқа бандларнинг 5-мисраси грамматик қолипидан ўзгачалагида ҳам намоён бўлган. Ҳумладан, 1-жавобнинг 5-мисраси: Сиз сўранг биздан деб: «Эй зиқдониён, хуш келдингиз!»; 2-жавобнинг 5-мисраси: «Денгиз: «Озод ўлдингиз, ваҳ, бандиён, хуш келдингиз!»; 3-жавобнинг 5-мисраси: «Демангизлар бизлара: «Эй шодумон, хуш келдингиз!»... ва охириги банднинг 5-мисраси: «Ғам самумидин юзи барги хазон, хуш келдингиз!»

¹⁰ Сидқий-Хондаёвликӣй. Таълаған асарлар. – 114-бет.

Шеърда «зовут», «нўрма», «иштароб», «лўм» каби сўзлар қаламга олинган манзараларда реализмни қуюқлаштирган.

Маълумки, саволу жавоб усули мумтоз шоирларимиз ижодида ҳам учрайди. Навоийнинг «Жонга чу дермен» ғазали, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод ва Хусрав мунозараси, Лутфийнинг «Дудоғинг маъдани жондур дедим» ғазалида шу усулдан фойдаланилган. Бу асарларда муаллиф ғани кесимлари лирик матн ичида кетади. Жаҳид шоирлари томонидан саволу жавоб усулида ёзилган асарларда эса ҳолат аксинча, яъни матн фақат суҳбатдонларнинг нутқидангина иборат. «Оила мунозараси»да суҳбат ота ва она¹¹, Чўлпоннинг «Темирчи» шеърисида темирчи ва унинг ўғли¹² томонидан олиб борилади. «Ситамдийда рабо(т)чиларнинг келиши»да эса шунчаки «савол» ва «жавоб» изоҳлари берилади, холос А.Мажидийнинг «Етиб кел» ҳажвий мураббаъси, «Хушомадўй ва мақтанчоқ мудир» ҳажвий мухаммаси ҳам сўзлювчилар номини матндан ташқарида қолдириб, соф диалогик усулда ёзилган. Бу – адабиётда драма пайдо бўла бошлаган давр шеърисидеги анъанавий усулнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Умуман олганда, ҳар учала асар ҳам ташқи белгилари – эпик сюжетнинг мавжудлиги, диалог усули, ҳажмнинг кенглигига («Оила мунозараси» – 15 банд - 60 мисра, «Темирчи» – 56 мисра) кўра лирик асардан кўра драматик лавҳага ўхшаб кетади. XX аср бошларига хос бўлган турли адабий ҳодисаларнинг бир-бирига таъсири, уларнинг аралашиб кетиши(м., арузнинг бармоққа – бармоқнинг арузга, насрнинг назмга – назмнинг насрга)ни бу ерда ҳам кузатамиз. Эҳтимол, айни типдаги асарлар кейинчалик драматик дoston жанрининг шаклланишига асос бўлган бўлиши мумкин.

Ҳамзанинг бир ишқий мухаммаси ҳам саволу жавоб тарзида битилган. Шоирнинг ўзи бу асарни мухаммас деб

¹¹ Авлоний А. Танланган асарлар. Икки жилдлик. I жилд. – 133-бет.

¹² Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. I жилд. – Тошкент: АСН, 1993. – 129-131-бет.

белгилайди, девонни нашрга тайёрловчилар эса уни шартли равишда «Ноз ўзгачаю кўнгул бўлакча» деб сарлавҳалайдилар. Мухаммас 25 банд — 125 мисрадан иборат. Ҳамзашунос Лазиз қаюмов бу асарни «поэма» дейиш мумкин деб ҳисоблайди¹³. Чиндан ҳам Ҳамза мухаммас жанри имкониятларини кенгайтира бориб, бу шаклда «Муҳаббатнома» типигадаги эпик сюжетга эга бўлмаган кичик дostonни эслатадиган асар яратган. Мухаммаснинг 1-2-бандлари 1-савол ва 1-жавоб эканлигини ҳисобга олиб, шоир ҳар иккала бандда ҳам ааааа қофияланиш шаклини қўллайди, асар охирига эса хулоса тарзидаги «савол» ёки «жавоб» рукни остида берилмаган алоҳида банд киритади, бу ҳам мумтоз адабиётдаги айрим йирик ҳажмли асарларнинг охирида илова қилинадиган маснавий, фард, рубоий ёки қитъага ўхшаш хотимани эслатади. Умуман олганда, жаид адабиётида анъанавий шеърий шаклларда катта ҳажмли асарлар яратиш ҳаракати мавжуд Буни таржебанд мисолида ҳам қўйироқда кузатамиз.

Жаид шоирларининг мухаммасларида 5-мисранинг такрорланиши ҳодисаси жуда сийрак. Бу тахмисларда, ўз-ўзидан, бўлиши мумкин эмас. Таъби худ мухаммасларда эса бу усулдан фойдаланиш мумкин. Аммо ҳар бир бандда мавзуга алоқадор алоҳида-алоҳида фикрлар талқинини кўзлаш мақсади ҳар бир банднинг ўзига хос яқунини талаб қилади, ўз-ўзидан бу 5-мисранинг такрорланишига монелик қилади.

Сиддиқий-Ажзийнинг «Фахрия» шеърида эса мухаммасларда кам учрайдиган бешинчи мисранинг такрорланиши усули қўлланган. 1914 йилда ёзилган бу мухаммасда Ажзий ўткир контраст усулидан фойдаланиб, халқ онгидаги жаҳолатни фoш этади. Шу маънода сарлавҳа киноявий характер касб этган. (Сарлавҳанинг шеърий матн мазмунига тескари маънода келишини Авланийнинг «Арзимас» радифли ғазалида ҳам кўриш мумкин.) Биринчи

¹³ Қаюмов Л. Сайланма. 1 ж. — Тошкент: АСН, 1984. -153-бет.

банд ҳали киноянинг яширинлиги, мазмуннинг умумийлиги билан характерланади, унда ҳали танқид руҳи сезилмайди:

*Бизда бинг дурулу хунар анвоъи ҳикмат вордур,
Бинг чашид тадбиру юз бинг рангги санъат вордур,
Саъйимиз майдондадур маълум ва ҳиммат вордур,*

Қайда биздек зумраи яғера ғайрат вордур?

Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур¹⁴.

Рамали мусаммани маҳзуф

2-банддан бошлаб шоир ўз халқининг «ҳикмат»у «санъат»ларидан сўз очади. Булар: хуни ноҳақ айламоқ; кўкнорилик, напавандлик, майхўрлик, баччабозлик, беданабозлик... Шоир ҳар бир бандда бу «санъат»ларни санаб келади-да, «Мўминиз, ҳикмат бизимдир, бизда ҳикмат вордир» мисрасини такрорлайди – шу тариқа банднинг 4 мисраси такрорланувчи охириги 5-мисра билан ўткир зиддият ҳосил қилади; бу зиддият очиқ эмас, истехзо остига яширинган, истехзода эса шоирнинг мазкур халқ вакили, унинг илғор фикрли фарзанди сифатидаги ҳасратлари, бағир қонлари, ўкинч ва аламлари ниҳондир:

Ҳеч бир қавм ичра ўғлонларда кокул вор эмас,

Эркак ўғлонларни қиз қилмоқ биза душвор эмас.

Бу насл ҳикмат дағилдир, бунга ким иқрор эмас,

Ҳеч бир ҳикмат бу ҳикматдек жаҳонда вор эмас,

Мўминиз, ҳикмат бизимдир, бизда ҳикмат вордир¹⁵.

Ажзий зоҳирий фахрия (сарлавҳада), ботиний киноя (матнда) маъносини такрорланувчи мисрада мужассамлаштирган. Шоирнинг халқ психологиясидаги, амалий ҳаётидаги иллату қусурларга нафрати шу қадар кучлики, у бу нафратни ҳар бир бандда «ҳикмат», «санъат», «хунар» сўзларини такрор-такрор қўллаш орқали ҳам намोён этади. Шеърда бандларнинг бешинчи мисрасидан

¹⁴ Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 146-бет.

¹⁵ Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 147-бет.

ташқари «ҳикмат» сўзи 11 марта, «санъат» сўзи 3 марта истифода этилган, бу сўзлар кинояни, контрастни жуда қуюқлаштирган.

4-5-мисраларнинг такрорланиши Ҳамзанинг халқ қўшиқлари оҳангида ёзилган шеърларида ҳам учрайди. Жумладан, «Миллат деганларнинг оқар кўз ёши» шеъри шу шаклда. Ҳамза шеъридаги такрорлар мухаммаснинг қўшиқ сифатида ёзилганлиги билан боғлиқ бўлиб, 4-5-мисралар нақаротдир. Сиддиқий-Ажзий мухаммасида такрорланувчи мисра маъновий, шаклий (қофия, вазн) жиҳатдан ўзидан олдинги тўрт мисра билан боғланса-да, синтактик жиҳатдан мустақил бўлакдир. Ҳамзанинг шеърида эса нақарот-мисралар синтактик жиҳатдан ҳам ўзидан олдинги мисраларга боғланган:

Миллат йўлида кетар бўлса боши,

Миллат тараққийси ўлғай талоши,

Ражази мусаддаси мухалляъ

синтактик жиҳатдан аниқловчини (кимнинг?) талаб қилганлиги боисидан ҳам ҳар банднинг 1-мисрасида изчил равишда шахс маъносидаги «миллат деганлар», «кимса», «миллат деган кимса», «Ниҳоний» сўзлари келади. Бу Ҳамзанинг мухаммасида поэтик синтаксиснинг, фикр сатҳининг одатдаги мухаммаслардан фарқ қиладиган ҳолатини юзага келтирган.

Абдулҳамид Мажидийнинг «Истар кўнгил» мухаммаси (1926) маснавий-банддан бошланади. Шеър аслида кичик лирик ҳикоядир. Унда Муқимий шеъри оҳангида ишламай тишлаш пайидаги текинхўр кимсанинг башараси ўз тилидан фош этилади. Шеър назира тарзида ёзилганлиги учун аксарият мухаммаслардагидек бббба... тарзида эмас, бббаа... тарзида қофияланган. Гарчи шеърда замон таъсири аниқ сезилиб турса-да, у жаҳид адабиётининг маъзини ташкил қилган ғоя — халқни тараққиёт юксакликларида кўриш истаги билан нурланиб турибди. Шоир ўз элини юксакликка эмас, тубанлик сари етаклаган баччабозлик, текинхўрлик, ғайратсизлик, хотинбозлик, жоҳиллик, маишатбозлик каби

иллатларни қаҳрамоннинг ўзини сўзлатиш усулидан фойдаланиб аччиқ алам билан фош этади. ҳозир бизни қизиқтирган ҳолат эса шуки, шеър дастлабки маснавий иккиликка қофиядош бўлган 4 мисралик банд билан тугайди:

1-банд: *Тўртталаб янги иморат, боғу роғ истар кўнгил,
Ўнталаб бўрдоқи от бирла улоғ истар кўнгил.*

Рамали мусаммани маҳзуф

Охириги банд: *Фирқадан бўлдим «долой», кўнгилда доғ истар
кўнгил,
Чиқмоғон жондин умид, оту улоғ истар кўнгил,
Тўртталаб янги иморат, боғу роғ истар кўнгил,
Ҳоли ҳозир зам бурунгидек фароғ истар
кўнгил.*

Шоир гўё «компенсация» усулидан фойдаланади – шеър бошидаги нотугалликни охирида тўлдиради. Бу банд шеърнинг сюжетли асосий қисмини тезис характеридаги биринчи банд билан уйғунлаштиради, шеърни хулосалайди. Уйғунлаштириш ҳам қофия, ҳам радд ул-матлаъ асосида амалга оширилган.

Мусаддас

Банд охиридаги мисра (ёки мисраларнинг) такрорланиши кўпроқ мусаддас ва мусамманга хос. Буни жаид мусаддасларида ҳам кўрамиз. Камийнинг «Дилни обод айлангиз» мажмуасига киритилган тўртала мусаддасда ҳам, Сиддиқий-Ажзийнинг уч мусаддасидан биттасида, Абдулҳамид Маждийнинг¹⁶ беш мусаддасидан биттасида, Сўфизоданинг уч мусаддасидан биттасида, Авлонийнинг («Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», 1 жуз) 7 мусаддасидан биттасида шу усул қўлланган. Бу шеърларда такрорланиш икки хил: а) 6-мисранинг; в) 5-6-мисранинг такрорланиши шаклида. Камийнинг «Минг осиф, бир ажаб замон ўлди...»

¹⁶ Маждий А. Кўнгли орзулари. – Тошкент: Маънавият, 2000.

мусаддасида эса фақат 5-мисра такрорланади, 6-мисралар эса ҳар бир бандда бошқа-бошқа. 5-6-мисралар умумийлик-хусусийлик кўринишида:

5-мисра: *Дарду ҳасрат насиби жон ўлди.*

6-мисралар: *Дийдадин ёшлар равон ўлди;*

Доимо судимиз зиён ўлди;

Рангимиз мисли заъфарон ўлди;

Одамизодлиғ гумон ўлди ва ҳ. к

Худди шу усул қисман (5 банднинг 3 бандида) А.Мажидийнинг «Муножот» ҳажвий мусаддасида, Сидқий-Хондайлиқийнинг «Дар таърифи пахта» мусаддасида (тўлиқ) ҳам қўлланган.

Сидқий-Хондайлиқий мусаддасининг композицион тузилиши анъанавий мусаддаслардан фарқ қилади. Шеър 15 банд – 90 мисрадан иборат бўлиб, эпик сюжетга эга. Унда шоирнинг нотаниш бир киши билан учрашуви ва суҳбати қаламга олинган. Асарнинг анчагина қисми саволу жавобдан иборат. Муаллиф туғилиб келаётган капиталистик муносабатлардан баҳс юритади. Шеър композицион жиҳатдан ҳамд характеридаги бошланма, асосий қисм ва хотимадан ташкил топган. Шунга кўра асар жанриши мусаддас шаклида ёзилган кичик дoston ёки шеърый ҳикоя деб белгилаш тўғри бўлади. Мусаддас шаклидаги шеърый ҳикоя А.Мажидий ижодида ҳам бор. «Хол офтобаси» сарлавҳали бу асарга муаллифнинг ўзи «Воқеий ҳикоя» деган изоҳ берган. Асар II бўлимга ажратилган ҳам. Мусаддас аааааа ббббаа шаклида қофияланган, охириги банд уч мисра бўлиб, ҳар учала мисра биринчи бандга қофиядош қилинган.

Мусаддас Фитрат ижодида ҳам учрайди. Шоирнинг «Гўзалим, бевафо гулистоним» мисраси билан бошланувчи шеъри ҳафиф баҳрида ёзилган бўлиб, ҳар бир банди олти мисрали бандлардан ташкил топган. Аммо шеър анъанавий мусаддасларнинг қофияланишидан фарқ қилади. Тўрт бандли шеърнинг 1-, 3-, 4-бандлари «Мени беҳуда ташладинг-кетдинг, Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг»

мисралари билан якунланади, фақат иккинчи банднинг 5-6-мисралари бошқача:

*Кетма, тур, тингла арзи ҳолимни,
Арз этай ҳоли пурмалолимни.*

Бандларнинг дастлабки тўрт мисраларида ҳам қофияланиш бармоқдаги шеърларни эслатади: аабавв.

Фитратнинг яна бир шеъри — «Ким деяй сени» ҳам ҳафифи мусаммани маҳзуфи махбуни аҳазз вазнида ёзилган. Банд тартиботи мусаддасни эслатади, яъни ҳар бир бандда олти мисра мавжуд. Фитрат асарларининг нашрларида бу шеър тўрт мисралик банд шаклида эълон қилинганига қарамасдан, шеърнинг ички структураси, поэтик синтаксис ва маъмуний боғланишга кўра биз уни олтилик банд деб ҳисоблаймиз:

*Ошиғим, худой асрагай сени,
Кўз балосидан сақлагай сени,
Сен жаҳоннинг позанинсен,
Қайғуларга ҳеч солмагай сени.
Қип-қизил гулим, ён-ёруғ ойим,
Кетма, тур бир оз, мен кўрай сени.*

*Дардли жоним(н)инг сен давосими,
Мунгли кўнглим(н)инг подишосими?
Гулмисен, кўзим, жонмисен, қўзим,
Кўнглим(н)инг бути ё худосими?
Билмадим, гулим, айт ўзинг қулиб,
Ошиқинг нечук атагай сени?¹⁷
Фоилун фаал фоилун фаал*

Албатта, бу шеърнинг жанрини мусаддас дейиш қийин, у жанрнинг классик қондалари асосида ёзилган ҳам эмас. Шеър 1922 йилда эълон қилинган «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасидан жой олган бўлиб, бу пайтда бармоқ вазни ўзбек шеърлятида анча ўринлашган, Фитрат ҳам ўзининг бир қатор шеърларини шу вазнда ёза бошлаган эди. Шунинг

¹⁷ Фитрат А. Чин севини. — Тошкент: АСН, 1996. — 23-бет.

учун ҳам мазкур шеърда ҳам аруз ва бармоқ вазни қоидаларининг қоришганини (қофия бармоқдаги шеърлардай, банд шакли ва вазн арузий) кўрамиз.

Жадид шоирлари ижодида яна бир гуруҳ мусаддаслар борки, улар икки мисрали банд билан бошланади. Ажзийнинг «Муножот», «Экин ерларининг дарду хасрати», Мажидийнинг «Чиқди газетдан», «Истар кўнгил», Ҳамзанинг «Йиғла, Туркистон» мусаддасларида композиция ана шундай. Ажзий ва Мажидий мусаддаслари ҳажвий характерда, Ҳамзанинг шеъри эса кўшиқдир. Шунингдек, бу шакл Мажидийнинг «Соқов булбул» мухаммасига ҳам хосдир. Маснавий-бандлар ҳамма мисралари қофияланиши зарур бўлган дастлабки банд вазифасини бажаради, қолган бандлар эса одатдагидек ббббба... (ёки ббббаа...) шаклида қофияланиб кетаверади. Шу типдаги бир мусаддаснинг дастлабки икки бандини келтирамиз:

Тўртталаб янги иморат, боғу роғ истар кўнгил.

Ўнгталаб бўрдоқи от бирла улоғ истар кўнгил.

Никалай даврида нон ўрнида канфет тишладим,

Иштаҳам карнай булиб бойлик этокин ушладим,

Бахт қуёни чиқди бошга хаста дилни хушладим,

Ҳали ҳозир ҳам бурунгудек фароғ истар кўнгил,

Атр уриб кўйлакка ҳам сояга тароғ истар кўнгил¹⁸.

Рамали мусаммани маҳзуф

Бизнингча, мусаддаслар (ёки мусамматнинг бошқа шакллари)нинг бундай шакли икки хил сабаб туфайли юзага келган: а) халқ кўшиқлари йўлидаги шеърларда нақарот асар бошига чиқарилади; в) ҳажвий шеърларда олдин тезис – асарнинг ғояси, асосий йўналиши эълон қилинади-ю, кейин унинг кенг шарҳига ўтилади, баъзан бу бошланмада танқидий руҳ биргина ишора орқали маълум этилади, унинг маъно-моҳияти кейинги бандларда оча борилади. Ажзийнинг «Муножот» мусаддаси шундай бошланади:

¹⁸ Мажидий А. Кўнгил орауларини. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 22-бет.

*Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай,
Раҳматинг шукронасин чоғир ичиб ҳар жо қилай.*

Рамали мусаммани маҳзуф

Бу иккиликда «чоғир ичиб» жумласи шеърнинг танқидий-ҳажвий руҳидан ҳам, шоирнинг поэтик мақсадидан - ўткир контраст усулидаги танқид, истеҳзодан ҳам дарак бериб турибди. Шоир асосий бандларда бу «қайси бир неъмат»ларни бир-бир санаб боради, худога «муножот» этади:

*Эй худоё! Бизни нодон қилки, роҳат айлайик,
Бизга билдир, ўлма кўнгил, роғиб ўлса, найлайик,
Бир сани излаш учун қаттиқ камарни бойлайик,
Илму донишдан қочиб, кўнгулга жаҳли жойлайик.
Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай,
Раҳматинг шукронасин шампон ичиб ҳар жо қилай.*

*Ё Илоҳо, охират-чун қил мусулмонни гадой.
Ҳар балога учраса дафъ айламай десун: «Худой!»
Истагим сандан шудир, қандай қувонмасдан чидай?
Отинга жон, зотинга имонимиз бўлсун фидой.
Шунча фазллик бордур шукронасин баржо қилай,
Май ичиб ўғлон ила кайфу сафо ҳар жо қилай!¹⁹*

Бу шеърнинг атеистик руҳи ҳақида хулоса беришга шошилмайлик. Атеистик ниқоб остида Сиддиқий-Ажзий фаолияти ва ижодининг моҳиятини ташкил қилган ўзак ғояларни, шоирнинг янги ижтимоий қурилмага протестини кузатиш мароқлидир. Матрифатсизликдан («Илми кофирга бер, мўминни жоҳил айлагил», «Илму донишдан қочиб кўнгулга жаҳли жойлайик», «Эй худоё! Бизни нодон қилки, роҳат айлайик»); халқ қонига ўрнашиб олган фаолиятсизликдан («Тавфиқу инсоф бериб умматни тиндиргангаму, ҳам лаванд мўминлари ғайратдан эндиргангаму», «Ё Илоҳо, охират-чун қил мусулмонни гадой,

¹⁹ Ибрat. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. — Тошкент: Маънавият, 1999. — 164-165-бетлар.

ҳар балога учраса дафъ айламай десун «Худой!»); тараққиёт сари боришга ҳалақит бераётган бошқа ўнлаб қусурлардан қаҳру ғазаб чинакам маърифатпарвар, тараққийпарвар шоирнинг қаҳру ғазаби, «аччиғланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олижаноб ғазабнинг момақалди роқ ва чақмоғи» (Белинский) дир. «Бир сани излаш учун қаттиқ камарни бойлайик» мисрасидан атеизм шеърда бир ниқоб эканлигини илғаш мумкин. Бу дину иймонни ғорат этиб, худога қарши юриш бошлаган замонга, жамиятга муаллифнинг муносабати, баҳосидир.

Сиддиқий-Ажзийнинг «Уламоларга» мусаддасида эса тескари ҳолат — анъанавий қурилган мусаддас маснавий-банд билан тугайди.

Мусаммат композицияси билан боғлиқ ўзгартириш Камийнинг «Андижон зилзиласи хусусида» шеърисида ҳам учрайди. Бу шеър юқорида таҳлил этилган шеърлардан фарқли ўлароқ, 20-йилларда эмас, 1903 йилда ёзилган бўлиб, ҳажвий характерда эмас. Шеърнинг биринчи банди 8 мисрали, кейинги бандлар эса 6 мисрали бўлиб, уларда биринчи банддаги 7-8-мисралар ўзгаришсиз қайтарилади. Шеър «Туркистон вилоётининг газети»нинг 1903 йил 31 январь сонисида «Андижон воқеъоти ҳайратафзойи хусусида тошқандлик шоир Камийнинг мусаддас услубида айтган шеъри» изоҳи билан эълон қилинган. Ҳақиқатда шеър биринчи бандни истисно қилганда мусаддас шаклидадир.

Мусамман

Жадид шоирлари ижодида, умуман адабиёт тарихида кузатилганидек, мусамманлар унча кўп эмас, аммо уларда 8-ёки 7-8-мисраларнинг такрорланиши ҳолати стакчилик қилади. Аслида бу — бандлараро уйғунликни таъминлашда, ҳар бир банднинг чегарасини аниқ кўрсатишда жуда қўл келади. Чунки мусамманларда бандлар кўп мисрали бўлгани учун уларнинг чегарасини ҳамда банд ритминини идрок этиш бир қадар қийин. Чунки «банддаги ўта мураккаблик

шеърят оҳангини чалкаштиради, одамнинг эшитув сезгиси ишини оғирлаштиради. Шеърнинг кишига эстетик ва эмоционал таъсир этиш қуввати бўшашиб кетади»²⁰. Мисра такрори эса буни осонлаштиради. Мусамманларда мисра такрори шу тахлит бир тарафдан ритмик-строфик, яъни интонацион жиҳат билан, иккинчи тарафдан эса асар лейтмотивини таъкидлашга қаратилган мазмуний жиҳат билан алоқадор. Юқорида кўрганимиз — мусаддасларда банд тартибининг ўзгариши, умуман эса, жаид шеъриятида турли хил такрорларнинг қуюқлиги улар учун иккинчи жиҳат, яъни асар лейтмотиви билан боғлиқ бўлган мазмуний жиҳат муҳим бўлган, дейишга асос беради.

Хулоса қилиб айтганда, жаид лирикасида мусаммат жанри фаол истеъмолда бўлди. XX аср бошлари Туркистон халқлари ҳаётининг кенг манзараларини яратишга чоғланган ижодкорлар учун «мавзу ва ғоя эътибори билан» ғазалга эргашадиган ва «шеърый талқиннинг бирмунча кенг ва теран тус олиши билан ундан фарқ» (11, 265) қиладиган мусаммат жанри жуда қўл келди. XX асрнинг 10-йилларида қисман, 20-йилларида кўпроқ бадий асар шаклига мумтоз поэтика томонидан қўйиладиган талабларнинг заифлашуви мусамматларнинг ҳам ички структурасида муайян ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Бу ўзгаришлар банд қурилмасининг, қофия тартибининг эркинлиги; мусамматларга эпик сюжетнинг кириб келиши билан характерланади. Мусаммат структурасидаги ўзгаришлар тахмислар ва ишқий мусамматларга эмас, асосан, ижтимоий ва ҳажвий шеърларга хосдир.

* * *

Ўзбек жаид шеъриятида мусаммат жанри кенг тарқалди. Бу даврда мусамматнинг мураббат, мухаммас, мусаддас турлари кўпроқ яратилди. Жаид тахмислари уларга асос бўлган ғазалнинг мавзуидан келиб чиқиб,

²⁰ Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси: Фил. фанл. канд. ... дисс. — Тошкент, 1962. — 311-бет.

асосан, ишқий, тасаввуфий мавзуларда бўлса, таъби худ мухаммаслар кўпроқ ижтимоий, маърифий мавзуларда бўлди. Халқ қўшиқлари оҳангида яратилган кўпчилик шеърлар ҳам мусаммат шаклларида бўлиб, уларда банднинг охириги мисралари нақарот шаклини олди. Айни пайтда жаид шоирлари мусаммат шаклларига иждий ёндашдилар. Бу иждийлик мусамматларда диалогик шаклнинг қўлланиши, сюжетлиликнинг олиб кирилиши, банддаги мисралар сонда изчилликнинг бузилишида намоён бўлди. Мусамматларда диалогик шаклнинг истифода этилиши билан бир қаторда эпик сюжетнинг мавжудлиги, ҳажмнинг катталиги уларни лирик асардан кўра драматик лавҳага яқинлаштиради. Эҳтимол, шу тидаги асарлар кейинчалик драматик дoston жанрининг шаклланишига асос бўлган бўлиши мумкин. Умуман олганда, мусаммат структурасидаги ўзгаришлар тахмислар ва ишқий мусамматларда эмас, асосан, ижтимоий ва ҳажвий шеърларга хосдир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мураббаъ	4
Мухаммас	6
Мусаддас	16
Мусамман	21

Рисола Бухоро давлат университетининг илмий техник кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Мухаррир: М.Содиқова

Нашриёт рақами: М-28 Босишга рухсат этилди 12.04.05.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт
Т. 1,0 шартли босма т. 1,2. 40-буйортма. 500 нусхада. Келишилган
нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, академик
Я.Фулломов кўчаси, 70.

Босмахона манзили: Фан ва технологиялар марказининг
босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.